

5-10-2019

PEDAGOGICAL FEATURES OF FORMING THE ECOLOGICAL LITERACY OF STUDENTS

Saodat Sulaymonova

Namangan State University Applicant of the Department of Pedagogy and psychology

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Sulaymonova, Saodat (2019) "PEDAGOGICAL FEATURES OF FORMING THE ECOLOGICAL LITERACY OF STUDENTS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 2 , Article 56.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss2/56>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

PEDAGOGICAL FEATURES OF FORMING THE ECOLOGICAL LITERACY OF STUDENTS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ЎҚУВЧИЛАРДА ЭКОЛОГИК САВОДХОНЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Сулаймонова Саодат Усубхоновна

Наманган давлат университети

Педагогика ва психология кафедрасининг мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада экологик вазиятни яхшилаш, маҳаллий муаммоларни бартараф этиш йўлида инсон омили муҳимлиги ва экологик таълим тарбиянинг зарурати ҳақида тўхталиб, келгусида умумтаълим мактабларида экологик саводхонликни шакллантиришнинг педагогик жиҳатлари ва унинг хусусиятлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Экологик саводхонлик, педагогика, умумтаълим мактаблари, инсон омили, экологик таълим ва тарбия, экологик маданият, табиатни муҳофаза қилиш, атроф муҳит муҳофазаси.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ГРАМОТНОСТИ УЧАЩИХСЯ

Сулаймонова Саодат Усубхоновна

Наманганский государственный университет

соискатель кафедры Педагогики и психологии

Аннотация: В статье отмечая необходимость улучшения экологических условий, важность антропогенного фактора устранения местных проблем, и экологического воспитания, освещены педагогические особенности формирования экологической грамотности, в общеобразовательных школах.

Ключевые слова: Экологическая грамотность, педагогика, общеобразовательные школы, человеческий фактор, экологическое образование и воспитание, экологическая культура, охрана природы, защита окружающей среды.

PEDAGOGICAL FEATURES OF FORMING THE ECOLOGICAL LITERACY OF STUDENTS

Sulaymonova Saodat Usubhonovna

Namangan State University

Applicant of the Department of Pedagogy and psychology

Abstract: In the article, noting the need to improve environmental conditions, the importance of anthropogenic factors in eliminating local problems, and environmental education, highlighted the pedagogical features of the formation of environmental literacy in general education schools.

Keywords: environmental literacy, pedagogy, secondary schools, human factor, environmental education and training, environmental culture, nature conservation, environmental protection.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи босқичида «Ижтимоий соҳани янада ривожлантириш» хусусида тўхталиб, 4.4.бандида эса айнан «таълим ва фан соҳасини ривожлантириш» ҳамда «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган [1].

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожини йўлида мазкур фармоннинг ижросини таъминлаш, ёш авлодга таълим тарбия беришда экологик билим ва кўникмаларни замонвий педагогик усуллар ёрдамида етказиш давр талаби ҳисобланади. 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни, “Экологик таълим тарбия концепцияси”нинг ишлаб чиқилиши мамлакатда экологик муаммоларни бартараф этишга киришилганидан далолатдир [2]. Айниқса, умумтаълим мактабларида экологик йўналишдаги синфларнинг ташкил этилиши, экологик таълим берилиши, олий таълим масканларида экология йўналишларини очилиши ўсиб келаётган ёш авлодни табиатга муҳаббат руҳида тарбия беришга киришганини кўришимиз мумкин. Ҳозирги кунда, ёшларга билимлар негизида экологик таълим ва тарбия, экологик онг ва маданият асосий вазифалардан биридир.

Республикаимиз хусусан, Наманган вилоятидаги мавжуд умумтаълим мактаб-ларида таълим олаётган ўқувчилар онгида экологик саводхонликни ривожлантириш лозим. Экологик саводхонлик – бу инсоннинг экологик билимлари, унинг бу билимларга муносабати ва атроф-муҳитдаги амалий фаолиятининг бирлигидан иборатдир. Экологик саводхонлик олий даражадаги умуминсоний кадриятга айланди. Бугунги кунда том маънода ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий анъаналарига, тарихи, урф-одатлари ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиш зарур. Ёшлар онгида экологик маданият тушунчасини таркиб топтириш, уларга табиат, атроф-муҳит билан қандай муносабатда бўлишни ўргатиш, педагогика назарияси ва мактаблар амалиётининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, ўқувчилар онгида экологик маданиятни шакллантириш тизимли механизмни амалиётга жорий этиш зарур:

- ✓ мактаб ўқувчиларида назарий ва амалий экологик таълим ва тарбияни амалга оширишда дастлаб ота-оналар, ўқитувчи ва тарбиячиларларнинг экологик саводхонлигини ошириш лозим;
- ✓ экологик таълим тарбияни амалга оширишда индивидуал ва махсус педагогик тизимни йўлга қўйиш;
- ✓ умумтаълим мактабларида экологик таълим-тарбияни янада ривожлантириш учун кадрларни тайёрлашни тизимли равишда йўлга қўйиш;
- ✓ экологик таълим-тарбия вазифаларини сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат тарбиясига комплекс ёндошган ҳолда ҳал этиш.

Экологик таълим – инсонни ҳаётга, жумладан меҳнатга тайёрлашнинг тизимлашган, мuddатли, расмий, тегишли экологик билим, кўникма ва малака бериш воситасидир.

Экологик тарбия - юксак экологик маънавиятли ва маърифатли шахс этиб тайёрлаш воситаси. Одатда, экологик тарбия экологик таълим орқали кириб келади ва у экологик маданият билан баҳоланади. Чунки замонамизда юксак экологик маънавиятли (мафкуравий, ғоявий ва информацион жиҳатдан шаклланган) ва маърифатли (илмий ва ижодий устуворлик руҳида тарбияланган) шахсина экологик таълим орқали олган билим ва кўникмаларини юксак маданият даражасига кўтариш. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда экологик таълим ва тарбия ажралмас ва ягона тизимда турувчи воситалар мажмуасидир. Тизим эса экологик ҳавфсизликни таъминлаш мақсадидаги қисмлар иерархиясидан иборат бўлган ҳолат. Уни амалга татбиқ этиш механизми бир пайтнинг ўзида соат каби ишлайдиган тизим қисмларининг ҳаракат қилишида намоён бўлади. Экологик таълим - тарбиянинг янги шакли ва таркибий қисми бўлиб, мактабда барча фанларни ўқитишда амалга оширилиши кўзда тутилган [3]. Ёш авлодга атроф муҳит ва унинг муаммоларига онгли муносабатни шакллантириш мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ❖ Атроф муҳит ва шахс маънавий дунёқарашини ўзгартириш;
- ❖ Табиатга бўлган эътиборини ривожлантиришда мактаб ва оила ҳамкорлигини йўлга қўйиш;
- ❖ Туман, шаҳар ва қишлоқлардаги мактаблар ҳовлисини кўкаламзорлаштириш, экобурчакларни ташкил этиш ва синф хоналаридаги маданий ўсимликларни парваришлашда ўқувчилар қизиқишини ошириш;
- ❖ Ўқувчиларда экологик маданиятини шакллантириш йўлида миллий анъаналарни қайта тиклаш, уларга эътиборни кучайтириш ва муносабатни яхшилашдан иборат.

Ўқувчиларда табиатга бўлган муносабатни ошириш ва экологик билим беришда синфдан ташқари ишларнинг ҳам ўрни катта. Дарсдан ташқари ҳолларда табиат қўйнига экскурсиялар уюштириш, ҳайвонот боғларига бориш ўқувчиларда экологик тафаккурнинг ўсишида муҳим аҳамиятга эга.

Умумтаълим мактабларида табиий фанларни ўрганиш орқали ўсимликларнинг озикланиши, сув, ҳаво, ер-инсон доирасидаги муаммолар асосида турли фан намоёндалари билан учрашувлар, маърузалар ташкил этиш, ҳужжатли фильмлар томоша қилиш ва уни таҳлил этиш, кимёвий ўғитлардан қишлоқ хўжалигида оқилона фойдаланиш тўғрисида суҳбатлар, машғулотларда замонавий педагогик технологияларни қўллаш орқали экологик таълим - тарбияни йўлга қўйиш мумкин.

Экологик таълим ва тарбиянинг замонавий усуллари қўллашда инфографи-ка тўпламларидан (кўргазмали куроллар) ҳам кенг фойдаланиш замонавий педагогиканинг долзарблигини белгилайди. Экологик маданият-атроф-муҳит тўғрисида чуқур билим, табиатни асраш туйғусига эга бўлиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ғамхўрлик кўрсатиш, табиат заҳираларидан оқилона фойдаланиш фаолиятнинг юксак кўрсаткичи ҳисобланади. Экологик маданиятни янада ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни умумтаълим мактаблари ва аҳолининг барча қатламларида ўтказиш лозим:

1. Мактаб ва маҳалла фуқоролар йиғинлари билан ҳамкорликда маҳалла гузарларида маҳаллий экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;

2. Ўқув йили давомида мактабларда фаолият кўрсатаётган маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, ёшлар иттифоқи бўйича етакчи, синф раҳбарлари ва бошқа педагог ходимларнинг ҳафталик ва ойлик фаолиятларида ҳам доимий равишда экологик онг ва маданият, таълим тарбия ва мазкур соҳага йўналтирилган маърузалар, мусиқий кечалар ва бошқа соҳага оид тадбирларни йил давомида амалга ошириш;

3. Мактаб худудида “экобоғ”, синф хоналарида “экологик бурчак” ларни ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан ташкил этиш;

4. Экологик махсус режа ва мавзулар асосида тадбирлар, давра суҳбатлари ва семинар тренинглари ўтказиш.

Дарс жараёнида ўқувчиларга экологик таълим ва тарбияни ўқитувчининг педагогик маҳорати орқали мавзулар ёритиб берилади. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар шахсни ҳар томонлама баркамол авлод қилиб тарбиялашда ва уни фаол ҳаётга тайёрлаш учун кенг имкониятга эга [4]. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик таълим ва тарбияни дарс ва дарсдан ташқари вақтларда амалга оширилади. Дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларни табиат қўйнига, табиат музейларига саёҳатга олиб чиқиш ва табиат қўйнида суҳбатлар ўтказиш жараёнида экологик тарбия шакллантирилиб, ташаббускор ғоялар асосида иштирок этишлари ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда умумтаълим муассасаларида экологик таълим ва тарбияга қаратилган билим ва кўникмаларни замонавий педагогик технологиялар

асосида фан ўқитувчилари ўқувчилар онгига етказиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

References

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi 'F-4947-son «O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish b'yyicha Xarakatlar strategiyasi t'y'risida»gi Farmoni.
2. O'zbekiston Respublikasining Tabiatni muhofaza qilish to'g'risidagi qonuni. 1992 yil Toshkent.
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Ma'xkamasining 2013-2017 yillarda O'zbekiston Respublikasida atrof muhit muhofazasi bo'yicha xarakatlar dasturi to'g'risidagi qarori. 2013 yil Toshkent.
4. Ismoilov A., Axadov '. Ekologik tahlim-tarbiya.-T.: «O'qituvchi», 1997. -10 b.